*Олий Мажлиснинг XIII сессияси олдидан*



# Қонун истиқболни кўзлайди

Маълумки, парламентимизнинг ҳар бир сессиясига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида зарур ва муҳим бўлган масалалар киритилади. Шу жиҳатдан қараганда, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси кун тартибидан ўрин олган қонун лойиҳалари ҳам жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқарони қизиқтириши табиий. Буни бир гуруҳ юртдошларимиз фикрлари ҳам исботлаб турибди.

— Уч-тўрт йилдан буён маҳсулот ишлаб чиқариб келаяпмиз, — дея гап бошлади Наманган туманидаги «Бахт» масъулияти чекланган жамияти раиси Бахтиёр Жўраев. — Лекин, яширмайман, фаолиятимизга ноқонуний аралашувлар кўпинча ишимизга халал берарди. Бу қонунчиликда тадбиркорлар очган корхонанинг ҳуқуқий мақоми йўқлиги боис эди. Ўйлайманки, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатларимиз муҳокамасидан сўнг қабул қилингач, бу каби ҳолатлар барҳам топади. Жамиятда тадбиркор манфаати қонун билан кафолатлангач, албатта, ҳар ким ҳам ишлаб чиқариш суръатини оширишга, фаолият доирасини кенгайтиришга интилади.

— Бу масаланинг бир томони, — дея суҳбатга қўшилди Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров. — Ўзимдан мисол, етиштираётган экинлар ҳосилини, асосан, хўжалигимиз қошида ташкил этган корхонада қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчиларга жўнатаяпмиз. Эндиликда тадбиркор четга маҳсулот экспорт қилишни биринчи галдаги иш деб қараши лозимлигини англаяпман. Бунинг учун хориждан ҳамкор қидириб топиш, шартнома асосида маҳсулот сотиш яхши натижа беради, албатта. Эътибор қилган бўлсангиз, ҳозирги пайтда шартномаларни имзолашдан тортиб, ҳатто олди-сотдилар ҳам компьютер орқали бажарилаяпти. Демоқчиманки, кун тартибидаги масалалар ичида истиқболимизни белгилайдиган қонун лойиҳалари ўрин олган. Масалан, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олайлик. Бу қонун қабул қилингач, хориж билан ҳамкорликни йўлга қўйган мен сингари тадбиркорларнинг иши ўн чандон енгиллашади.

— Парламентимизнинг ҳар бир сессиясини диққат билан кузатиб бораман, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Анвар Эшмуҳаммедов. — Суҳбатдошларим гапига шуни қўшимча қилмоқчиманки, сессия кун тартибига «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам киритилганини мамлакатимизнинг дунё билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиши, интеграция жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қилинаётган ишлар деб баҳолаш мумкин. Назаримда, жамиятимиз ҳаёти янада эркинлашиб, барқарорлашиб бораётгандек.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шашмақом — Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси

**ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Париждаги бош қароргоҳида «Инсоният оғзаки ва номоддий мероси намуналари» танлови рўйхатига киритилган ғолиблар эълон қилинди.**

**Унга кўра, Бельгия, Туркия, Озарбойжон, Бразилия, Куба, Хитой, Ҳиндистон оғзаки ва номоддий мерослари билан бир қаторда мамлакатимиз томонидан тақдим этилган Шашмақом — Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси, деб эълон қилинди ва ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига киритилди.**

**«Туркистон-пресс».**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига*

*Гапни Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис, профессор Л.Левитиннинг фикри билан бошламоқчиман. «Дарҳақиқат, — деб ёзади олим, — Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади».*




# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЛУҒЛАНГАН УНДА

Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳуқуқларининг Конституциямизда, қонунларда ва халқаро ҳуқуқда тан олиниши ва ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунга, биринчи галда, бутун ҳуқуқ тизими, энг аввало, ҳуқуқ ва эркинликлар — уларнинг аҳамияти, юридик кучи, мазмуни, ҳажми, фойдаланиш чегараси, амалга оширишнинг процессуал тартиби ҳамда юридик фактларни белгиловчи бутун қонунчилик киради.

Давлат суверенитети моҳияти, ижтимоий тузум, ҳуқуқий давлатчилик, қонун устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, давлат билан ўзаро муносабатларда шахснинг устунлиги каби демократик сиёсий-ҳуқуқий тамойилларга содиқликни қонуний расмийлаштириб, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини юридик жиҳатдан таъминлашга кенг йўл очиб беради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита таъминлаш давлат уларни тан олиши ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилишидан бошланади. Уни тартибга солиш жиҳатлари, жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни имплементация қилиш даражаси, мазмуни муҳим ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон энг муҳим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига қўшилган ва уларнинг устунлигини тан олган. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони 60 тадан ортди. Энг муҳими, XXI асрда мустақил давлатимиз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида маърифатпарвар демократик адолатли давлат бўлиш учун интилади ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳамда мустаҳкамлашга қатъий кафолат беради.

Айни пайтда Конституциямизда инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганининг ўзи барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига нисбатан улар олий юридик кучга эга эканлигини кўрсатади.

Демократик жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг оқилона чегарасини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиш катта аҳамиятга молик. Масалан, Ўзбекистон Конституциянинг 45-моддасига биноан, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган меҳнат ҳуқуқи (37-модда) асосий субъектив ҳуқуқлар сифатида нафақат Конституциянинг ўзида, балки меҳнат қонунчилиги нормаларида турли тармоқ ҳуқуқлари шаклида ҳам белгилаб берилган. Масалан, Меҳнат кодексининг 14-моддасида белгиланган ёшга етган ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши белгилаб қўйилган.

Субъектив ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мазмунини, энг аввало, турли неъматларни қамраб олувчи манбаларни қатъий белгилаб қўйиш муҳим. Масалан, яшаш ҳуқуқи, фуқаролик ёки уни ўзгартириш ҳуқуқи, ўз миллий мансублигини аниқлаш ва кўрсатиш ҳуқуқи, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказо. Чунончи, Конституция хусусий мулк ҳуқуқини эълон қилар экан (53-модда), хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги ёзиб қўйилган.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш юқорида айтилган юридик воситалар билан чекланиб қолмайди. Норматив ҳужжатларни қонуний равишда амалга ошириш мақсадида кўпинча шахснинг субъектив ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти билан бевосита боғлиқ юридик далиллар, улардан фойдаланиш тартиби, йўли, воситалари махсус кўрсатилади.

Масалан, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар: виждон ва диний эътиқод, фикр ва сўз, миллий мансубликни олдиндан аниқлаш ва кўрсатиш, йиғилишлар ўтказиш ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлар шу йўсинда амалга оширилади. Бунда фуқаронинг хоҳишига кўра, бошқа субъектларнинг ёрдам кўрсатиши ҳам истисно этилмайди. Конституциямизнинг 13-моддасида ёзилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Конституциянинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, дейилган. Асосий Қонуннинг 44-моддасида эса, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги барча чоралар қонуний тартибда қўлланилади. Бундай тартибнинг аниқ ва равшан юридик регламенти, унга қатъий риоя қилиш — ҳуқуқ ва эркинликларнинг самарали ҳимоя қилиниши ҳамда қонунийликнинг ишончли кафолатидир. Асосий Қонунимизда бир қатор процессуал йўсиндаги фуқаролик ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Булар моҳиятига кўра, асосий ҳуқуқий кафолатлар бўлиб, одил судлов тартиби уларга таянади ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларда, ҳар бир шахснинг юридик ёрдам олиши кафолатланишида, айбсизлик презумпциясида жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, юртимизда инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик тизими негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари ташкил этади. Демак, Бош Қонунимизда ва миллий қонунчилик тизимида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўз аксини топган. Мазкур омиллар юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, дейишга имкон беради.

**А.САТТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлари номзоди.**

*Илм-фан тараққиёти — устувор соҳа*



*Илм-фанни нурга, зиёга ўхшатишади. Ўз ҳаётини шу соҳага бахш этган одам зиёлилар тоифасига мансублиги таъкидланади. Ёруғлик, оқлик ҳамиша инсониятни машъала каби ёрқин келажакка бошлаб келган.*

# Алломалар эъзоз топган юрт

Биз кундалик ҳаётимиз мобайнида ҳар кун, ҳар дақиқа илм-фан инъом этган буюк кашфиётлардан баҳраманд бўламиз. Лекин бу ҳақда ўйлаб ўтирмаймиз. Кўзимизга оддий кўринган трамвай, троллейбус, метро, лифт, телефон аппарати, ҳатто хонани ёритиб турган электр чироғи ҳам ўз вақтида инсоният учун оламшумул ихтиро сифатида қабул қилинган. Улар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Олимларнинг беҳаловат изланишлари, қалтис тажрибалари натижасида яратилган.

Илмий фаолият дегани — бу ўзидан олдинги билимларни яхшилаб ўзлаштириш, яратилган қонуниятларга қараб, янги синовлар ўтказиш, ҳар бир натижани сабр-тоқат билан кузатиш, турли ракурслар нигоҳи ила баҳолаш, бошқалар учун муаммога айланган жумбоқни ечиш ва пировардида якуний хулосага келишдир. Шунча ташвиш нима учун? Мақсад ягона: инсониятга наф келтириш. Шу эзгу ният йўлида жон куйдириб келаётган олимлар, янаям мўътабарроқ атаганимизда, алломалар башариятнинг соғлом ва илғор қисми томонидан эъзозлаб келинган.

Минг шукурки, биз яшаётган табаррук заминда ҳам илм-фан, маърифатни халқимиз кўзига тўтиё қилиб келган. Тарихимизда бизга ғурур-ифтихор туйғуларини ҳадя этган буюк зотлар ҳам ўз истеъдодларини инсониятга туҳфа этган азиз алломаларимиздир. Ахир ғурурланмай бўладими, қайсики, ал-Хоразмийдек бекиёс олим мураккаб математик жумбоқларни Ер юзининг бошқа қисмидагилар ибтидоий давр палласида яшаётганда ҳал қилиб қўйган бўлса!

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг:

***Америка —***
***мубҳам бир диёр,***
***Ухлар эди***
***Колумб ҳам ҳали.***
***Денгиз ортин***
***ёритди илк бор***
***Берунийнинг***
***ақл машъали***

сатрлари ҳар биримизга ёд бўлиб қолган эмасми! Нафақат олис ўтмишда, сиз ва биз гувоҳ бўлган XX асрда ҳам ўзбек замини қанчадан-қанча даҳоларни йўргаклаб олди. Космонавтикага оид жабҳалардами, ахборот технологияларининг тамал тоши ҳисобланмиш телевидениенинг ҳаётимизга кириб келишидами — барча-барчасида Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси бор. Фазодаги ноёб жисмдан гуриллаб ишлаётган мукаммал машиналаргача ўзбек олимларининг номлари қўйилганидан ғурурга тўламиз.

Юртимиз осмонида истиқлол қуёши чарақлагандан сўнг илм-фан янада юксак поғоналарга кўтарилди. Ўз вақтида фан-техника тараққиёти учун бор кучи, жонини фидо қилган, аммо муносиб, баҳосини ололмаган алломаларимиз «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар. Мустақил юрт таъзимини, миннатдорчилигини ифода этган бундай эътибор ўша олимларнинг шогирдлари, фарзандлари, набиралари қалбида қанчалик шижоат туғдирганини сўз ва рақам билан ифодалаб бўлмайди.

Шўро даврида академиклик чўққисига кўтарилишнинг ўзи бўлмасди. Олим ҳар қанча жаҳоншумул янгилик яратмасин, академик бўлишдан олдин «мухбир-аъзо» деган босқичдан ўтишга маҳкум эди. Худди партияга ўтишдан аввал «аъзоликка кандидат» бўлгани каби. Сунъийларча бу ақидани бузадиган одам топилармикин? Шундай савол берсангиз, ҳатто олимларнинг ўзлари йиллар мобайнида тарқиб топган анъанани бекор қилиш мушкул бўлса керак, деб жавоб қилишарди. Мумкин экан, фақат бунинг учун фавқулодда янгича фикрлаш, илм-фанга интилган халқни севиш керак. Президентимиз Ислом Каримов мамлакат Фанлар академиясида «мухбир аъзо» деган босқични бекор қилиш ҳақида таклиф киритганда, юзлаб олимларнинг кўзларида ҳайрат ифодаси қотиб қолганди. Улар мўъжизага дуч келган онларни бошларидан кечиришарди.

Ахир ўйланг: мустақиллик даврида не-не заҳматкаш олимларимиз мухбир-аъзо бўлиб дунёдан ўтиб кетдилар. Юқорида тасвирланган дақиқаларда ўшаларнинг армонлари ушалди, десак ишонаверинг. Биз баъзан тарихий воқеаларга гувоҳ бўлганимизда унинг чин маҳобатини англа олмай ҳам қоламиз. Ҳолбуки, Ўзбекистонда академиклар сони кўпайиши, бу жабҳада ишлаётган, куч-қувватини, иқтидорини, умрини бахшида этаётган зотларнинг илмий қароргоҳи ташкил топганлиги байрам қилиниши айрим қўшни давлатларда Фанлар академияси тарқатилган даврда рўй берганлигини баъзан ўйлаб кўрмаймиз.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деганимизда, энг аввало, интеллектуал кучларимиз салоҳиятига ишониб гапирамиз. Билим олиш, янги уфқларни очиш ҳисобига жаҳонга чиқиш учун бизда ҳамма имкониятлар яратилган. Фанлар академияси, аввало, ишончли, пухта пойдеворга таянганда мустаҳкам бўлади. Ўзбекистонда изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу заминнинг пишиқлигига кафолатдир. Негаки, давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат «Куч — билим ва тафаккурда» деган қанотли иборага асосланади. Негаки, янги камол топаётган авлод ўз киндик қони тўкилган тупроқдан фахрланиб ўсмоқда. Насиб этса, яқин вақт ичида «портлаш эффекти»га гувоҳ бўламиз.

Юртимизда Фанлар академиясининг байрами нишонланиши илм-фаннинг машаққатли йўлларида заҳмат чеккан олимларимиз меҳнатига муносиб баҳо бўлиш билан бирга, ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Зотан, Президентимиз олимлар билан учрашувда айтган қуйидаги сўзлар ҳар биримизнинг онг-шууримиздан жой олмоғи зарур: «Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият, давлат, аввламбор, ўз олимларини, илм-зиё аҳлини ҳурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим».

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

*Тақдимот*




# «КИПРИКДА ҚОЛГАН ТОНГ»

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг "Шарқ" НМАК Бош таҳририятида чоп этилган "Киприкда қолган тонг" номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Устозимиз Саид Аҳмад энг кўп китоб чоп эттирган, сермаҳсул ижодкорларимиздан,— деди анжуманни очар экан, адабиётшунос олим Умарали Норматов. — Ёзувчи адабиётимизда кемтик бўлиб турган жанр — эссени янги поғонага олиб чиқди, десам янглишмайман. Устоз "Топганларим ва йўқотганларим", "Қора кўз Мажнун" китобларида улуғ адибларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотларни бадиий ифода этиб бергандилар. Янги асар билан қўшиб мазкур китобларни адабиётимизда яратилган эссе жанридаги биринчи трилогия деб аташимиз мумкин.

— Устозимиз бахтли инсон,— деб сўз бошлади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев . — Чунки республикамизда энг мухлиси кўп ёзувчи Саид Аҳмад ака бўладилар. Шу билан бирга, ёзувчи XX аср адабий воқелигининг тирик қомуси. Мазкур китобдан биз Ғафур Ғулом, Ойбек, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков, Анвар Муқимов, Анвар Эшонов каби қатор ёзувчиларимиз ҳақида қимматли хотираларни билишимиз мумкин.

— Ҳақиқий талант ҳам кулдира олади, ҳам йиғлата олади,— деб таъкидлади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов.—Саид Аҳмад ака бу нарсани тўла-тўкис адо этиб келмоқда. Адибнинг мазкур асарини ўқиркансиз айрим ўринларда ўзингизни кулгидан тиёлмасангиз, баъзи жойларда кўзларингиздан беихтиёр ёш қуйилади.

—Мен гапимни "Шарқ" компаниясига ана шундай ажойиб китоблар чиқараётганлиги учун раҳматлар айтишдан бошламоқчиман, — деди ёзувчи Эркин Аъзамов. — Сўзга чиққанлар Саид Аҳмад акани янги китоб билан қутлашди, мен устозни эмас, балки халқимизни мазкур янги китоб, ажойиб асар билан табриклайман.

— Ҳажвиётимизнинг оқсоқоли Саид Аҳмад ака ҳамиша биринчи бўлганлар,— деди тўлқинланиб "Муштум" журнали ва "Афанди" газетасининг муҳаррири Ашурали Жўраев. —У кишини "Телеминиатюралар театри"нинг асосчиси, ўзбекнинг тирик Афандиси, деб бемалол таърифлаш мумкин. Айни дамда ёзувчи эссе-трилогия яратишда ҳам биринчи бўлиб турибди.

Анжуманда, шунингдек, Иброҳим Ғафуров, Мирмуҳсин, Олмос, Бойбўта Дўстқораев, Абдуғафур Расулов сингари олимлар, ёзувчилар сўзга чиқишиб, китобнинг адабиётда катта воқеа бўлганлигини айтиб ўтишди.

**С. АНВАР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Яна сув ҳақида ёзмоқчимиз. Сув баҳонасида кўнгилдаги баъзи дардлардан холи бўлиш учун. Бу ёруғ дунёда ҳамма нарса ювилиб, поклашга муҳтож деймиз-у, энг муҳим бир нарса ювилиб турмаса, қолгани бекорлигини ҳамиша ҳам англайвермаймиз. Мен кўнгилни назарда тутаяпман. «Кўнгилнинг биз ичаётган сувга нима алоқаси бор?» — дерсиз. Яқинда «Кўксарой» маҳалласида бўлганимдан кейин яхшигина алоқаси борлигига амин бўлдим.*

# «Кўксарой»нинг суви

## қачон сероб бўлади?

— Э, бекор овора бўлибсиз-да, айланай, бу ерларда ичимлик суви йўқлигини телевизорларда кўрсатди, газитларда ёзди, фойдаси бўлмади. Қийин масала бу... Ҳалиям бўлса кеч кирмасдан қайтганингиз маъқул, болам. — Маҳаллага киришим билан кекса, нуроний онахоннинг бу сўзлари шаштимни бироз қайтарди. Аммо ўжарлигим ҳам тутди. Қайтгим келмади.

Қатор ҳовлилар обод, кўркам, ора-орада ҳашаматли уйлар ҳам савлат тўкиб турибди. Бир вақтлар дала ҳовли сифатида одамларга берилган қатор коттежлар оралаб, уч-тўрт хонадонни айланиб чиқдим. Бу маҳаллага ҳафтада икки марта сув келтирилар экан. Одамлар сувни катта-катта бочкаларда сақлайди, кўпчиликлари томорқа, экин-тикин учун сувни қудуқ ёрдамида ер остидан олади. Аҳоли бунга кўникиб кетган, оддий ҳолдай қарайди.

Минг қилсаям ўқитувчида, Тоҳир Рихсиев деган киши қўлига қоғоз, қалам олиб, муаммони ёзиб-чизиб тушунтирди. Уч хўжаликдан иборат «Кўксарой» Тошкент туманининг баландликда жойлашган гўшаси. Шундоқ ҳам босими паст сувни тепаликка олиб чиқиш осон иш эмас. Уни юқорига етказиб берувчи жиҳозлар эски. Шу боис, бир неча йиллирки, хўжаликларга навбати билан сув олиб борилади. Уч-тўрт йил илгари муаммони ҳал қилмоқчи бўлиб, Тошкент шаҳар «Сувсоз»трестига қарашли шоҳқувурдан туманга сув йўли ўтказилди. Аммо босими паст сув бутун маҳалла аҳлини таъминлай олмади. Чунки, жайдари тил билан айтганда, йўл бошида турганлар сувни ўзларидан кейингиларга баравар етиб боришига имкон бермадилар. «Менда сув борми, бўлди, қолганлар билан ишим йўқ» қабилида иш тутилди. Айниқса, ҳовлисида катта-катта иссиқхона, ҳаммом, саунаси борлар кран жўмрагини бекитишни истамадилар, нафс жўмрагининг очиқлиги бунга халақит берди, шекилли...

— Оби-ҳаёт тақсимотидаги бу инсофсизликларга фақат сув ўлчагичлар барҳам бериши аниқ эди,—дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тоҳир Рихсиев.— Икки йилдирки, бу ерликлар сув ўлчагичлардан фойдаланишни ўзларига эп кўрмаяптилар. Сабаб — сув ўлчагич қиммат эмиш.

Одамзоднинг табиати ғалати. Ўз эҳтиёжи учун нимаики зарур бўлса, маблағни еру кўкдан бўлса-да, тежаб-тергаб жамғаради, қарзга олади, хуллас, топади. Айниқса, аёллар бу борада жуда тажрибали. Баъзида оилада гўштга пул топилмаслиги мумкин, гўштсиз овқат ейилса, нима қипти? Аммо бир кийим мато ё кўйлакка маблағ, албатта, топилади. Чунки тўйда у ҳаммадан кам кўринмаслиги керак. Ҳар қандай давраю юртнинг энг жозибалиси кўринсак-да, кафтдек ерда бирга яшаб турган қўшнимиз билан ичаётган сувимизни бўлиша олмасак, бу тахлит жозибаю кўркдан, алҳазар!

Ҳар нарсани ўз номи билан аташ керак. «Кўксарой»да сув ўлчагичлар ўрнатилмаётганлигининг сабабини қимматчилик эмас, мавжуд муаммога лоқайдлик, бепарволик деб айтсак, тўғри бўлади, назаримизда. Келинг, энди масалага бошқа томондан ёндашайлик. Ҳафтада икки бор транспортда олиб келинаётган сув учун ҳар бир хонадон ойига ўртача 400-500 сўмдан пул тўлайди. Бир йилда ўртача беш минг сўмдан ортиқ, тўрт йилда бир ўлчагич пули тўланади. Муаммо бир неча йиллардан буён ҳал бўлмаётгани, ҳали-бери ечими топилмаётгани назарда тутилса, йиллар давомида битта эмас, икки-уч ўлчагич маблағи сарфланиши ҳам эҳтимоли йўқ эмас.

Маҳалла аҳли муаммо ечимини ҳар томонлама чуқур англолмаётгани, уни ҳал қилишда саховатпешалик, уюшқоқлик кўрсатолмаётганининг сабаби — битта. «Кўксарой»да фуқаролар йиғини кенгаши фаоллари одамларга муаммонинг моҳиятини тушунтиришга, уни ҳал этиш чора-тадбирларининг тарғиботига бепарволик қиляптилар. Демак, бу ерда маънавият ишлари суст, якдиллик, ишбилармонлик қўллаб-қувватланмайди, деган хулосага келиш мумкин.

Тоза ичимлик суви муаммосига аниқлик киритишни Тошкент вилояти"Сувоқова"-тресті бошқарувчиси Маъруф Акрамовдан илтимос қилдик.

— Тошкент вилояти бўйича 5400 километрлик сув қувурлари бўлиб, бугунги кунда уларнинг 70 фоизи алмаштирилиши лозим. Бор имкониятдан фойдаланиб, сувни тежаб-тергаб ишлатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорига кўра, Тошкент вилоятига 278000 дона, жумладан, Тошкент туманига 27000 дона сув ўлчагич ўрнатишимиз лозим эди. Аммо бу қарорнинг бажарилиши жуда қийин кечмоқда. Аҳолини сув ўлчагичларни ўрнатишга мажбурловчи меъёрий ҳужжат йўқ. Аҳоли ихтиёрига қараб ўрнатишда тўсқинликлар бор. Ичимлик сувидан суғориш мақсадида фойдаланаётганлар турли баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Яқинда Келес шаҳридаги 37 та кўп қаватли уйнинг 3-4-қаватларига сув босими кўтарилиши қийин бўлгани учун, 1-2-қаватларнинг хонадонларига "Сувоқова" корхонаси кредити ҳисобига сув ўлчагичлар ўрнатилди. Оқибатда юқори қаватдаги хонадонларга босим етарли бўлди. Сув ўлчагичлари бўлган хонадонлар тежаб ишлатгани учун тўловлар илгарига нисбатан 2-3 баравар камайди.

— «Кўксаройда»да сув муаммосини ҳал қилишнинг йўлларини нималарда кўрасиз?

—Аввало, бу масала маблағга боғлиқ. Бу борада халқаро миқёсдаги амалий ишларни режалаштираяпмиз. Насиб этса, улар, албатта, ҳал бўлади. Қолаверса, «кўксарой»ликларнинг ўзларига ҳам боғлиқ томонлари бор.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Юртимизда ичимлик суви муаммо бўлаётган бошқа ҳудудлар ҳам бор. Улар имкон қадар ундан халос бўлишнинг турли усулларини ўйлашмоқда. Халқимиз — бағри кенг, ишбилармон халқ. Ўйлаймизки, «кўксарой»ликларнинг ҳам бу борада юртдошларимиздан қоладиган жиҳатлари йўқ. Бирон чора-тадбирини ўйлаб топишлари муқаррар. Фақат унинг ечимини ўзлари астойдил қидирганлари маъқулроқ.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Асакаёғ»нинг сифатли маҳсулотлари

Асакадаги "Асакаёғ" акциядорлик жамияти дезодорациялаш ва ёғ қуйиш цехида замонавий ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Мазкур линия ёрдамида бир кеча-кундузда 28,8 тонна ёғ пластмасса идишларга қадоқланмоқда. Цех ишга тушиши билан 30 нафар ёш ишли бўлди.

**"Туркистон-пресс".**

